



Газета 1966 йил  
1 июлдан  
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 75 (12.136)

Баҳоси эркин нарҳда

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

**Тошкент коммунал-қурилиш коллежи битирувчиларига бундан буён диплом билан бирга замонавий пайвандлаш техникаси билан ишлаш ҳуқуқини берадиган сертификат ҳам топширилади. Бунга янги ускуна билан ишлашни ўрганиш туфайли эришилди ва бу ёш мутахассисларнинг меҳнат бозоридagi рақобатбардошлигини сезиларли даражада ошириш имконини беради.**

Бозор муносабатлари шароитида юқори малакали кадрларни тайёрлаш иқтисодий тартибдор ривожлантиришнинг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Президентимиз Ислон Каримов ташаббуси билан қабул қилинган ва айнан мана шу мақсадларни амалга оширишга қаратилган Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида халқимизнинг бой интеллектуал салоҳияти ва замонавий илм-фан, техника ва технологияларни амалиётга жорий қилиш зарурлиги кўзда тутилган.

Бу жараёнда касб-хунар коллежлари алоҳида ўрин тутади. Негаки, ушбу муассасаларда давлат таълим стандартлари асосида ўқувчиларга ҳар томонлама чуқур ўрта махсус, касб-хунар таълими берилмоқда.

Пойтахтимизнинг Учтепа туманида айни пайтда фаолият кўрсатаётган 9 коллежда 590 нафар ўқувчи 9170 ўқувчи таълим бермоқда. Бу йил ушбу коллежларни 3585 нафар йигит-қиз тамомлайди.

Улар орасида 1999 йилда ташкил этилган Тошкент коммунал-қурилиш коллежи битирувчилари ҳам бор.

Таълим муассасасида ўнлаб ўқув хоналари, сузиш ҳавзаси, теннис корти, мини-футбол майдони, гимнастика ва киши спорт заллари бор, — дейди коллеж директори Чарос Ҳужахонова. — Коллежimizда ёшлар қурилиш ишлари, сув ва газ таъминоти, турар жойлар ва жамоат биноларидан фойдаланиш, транспортларга техник хизмат кўрсатиш, архитектура,



иситиш тизимлари, молия, бухгалтерлик ҳисоби ва иссиқлик энергетикаси каби тўққиз йўналиш бўйича ўқитилмоқда.

Коллежнинг 1460 нафар ўқувчиси танлаган касби бўйича назарий билим ҳамда амалий кўникмаларга эга бўлмоқда. Уларнинг 478 нафари бу йил дипломи мутахассисларга айланади, баъзилари олий ўқув юртида ўқишни давом эттирса, кўпчилиги ўз меҳнат фаолиятини бошлайди. Ўқувчиларнинг 300 нафаридан ортиги билан ўчмонлама шартномалар тўзилган.

Коллеждаги тўққиз кафедра ўқитувчилари ёшларга қурилиш чизмачилиги, расомчилик, геодезия, материалшунослик, компьютер ва архитектура графикаси, архитектура тарихи, бинолар типологияси, биноларнинг архитектура деталлари ва усқуналарини лойиҳалаш, биноларни реставрация ва реконструкция қилиш, газ ва

## Коллеж-битирувчи-корхона



Аскар Ёқубов (УзА) олган суратлар

## БИЛИМЛИ ВА ТАШАБУСКОР ЁШЛАР — ИШЛАБ ЧИҚАРИШГА

сув таъминоти, иссиқлик таъминоти, шомоллатиш каби 20 йўналиш бўйича таълим бермоқда.

Коллеж катта моддий-техник базасига эга бўлиб, бешта ўқув-ишлаб чиқариш устахонасида амалий машғулотларни ўтказиш, ўрганилаётган соҳаларга оид энг сўнгги техника янгиликлари билан танишиш учун барча зарур шароитлар яратилган. Замонавий лабораториялар, электрон стендлар билан жиҳозланган ўқув хоналари ўқувчилар ихтиёрига берилган.

Ўқувчи ва ўқитувчилар видеотека, ўқув курсларининг электрон шакллари, янги адабиётлар, шунингдек, интернетдан кенг фойдаланмоқда.

Коллежнинг ахборот-ресурс маркази замон талаблари даражасида жиҳозланган. Марказда катта ўқув заллари мавжуд бўлиб, техник усқуналар, ўқитишнинг мультимедиа ва электрон воситалари билан таъ-

минланган. Унинг кутубхона фондида 45468 нусхадаги китоб, 75 турдаги электрон дарсликлар ва видеомашғулотларни ўз ичига олган ахборот манбалари бор.

— Коллежimiz «Ўзкоммунизмат» агентлиги ва «Сувсос» давлат унитар корхонаси каби уй-жой-коммунал хўжалиги корхоналари билан яқин ҳамкорлик қилмоқда, — дейди ишлаб чиқариш таълими бўйича директор ўринбосари Шохиста Мақсудова. — Ўқувчиларнинг ишлаб чиқариш амалиётини самарали ташкил этиш, уларни муайян иш ўринларига бириктириш ва кейинчалик ишга жойлаштириш, «корхона-коллеж» ҳамкорлигини ривожлантириш муҳим вазифалардандир. Муайян корхона ва иш бевуфаларни тегишли коллежларга бириктирилиши ўз самарасини бермоқда. Ушбу ўқув йилида бизга «Ўзмонтажмахсусқурилиш» уюшмаси бириктирилган.

(Давоми 2-бетда)

## Кўрик-танловга марҳамат

# ГЎЗАЛ ВА ЗАМОНАВИЙ ТОШКЕНТ

**Мамлакатимиз мустақиллигининг дастлабки йилларидан бошлаб Юртбошимизнинг бевосита ташаббуси ва раҳнамолигида Тошкент шаҳрида улкан бунёдкорлик ишлари олиб борилаётган.**



Яқинда Тошкент шаҳар ҳокимлигининг «Тошкент шаҳрида «ГЎЗАЛ ВА ЗАМОНАВИЙ ТОШКЕНТ» кўрик-танловини ўтказиш тўғрисида»ги қарори қабул қилинди. Кўрик-танловни Тошкент шаҳрининг инфратузилмасини яхшилаш, аҳолига қулай шароит яратиш, замонавий ва ис-тиқболли лойиҳаларни танлаш, уни ҳаётга татбиқ этиш ҳамда энг яхши

лойиҳа муаллифларини тақдирлаш мақсадида ўтказилади. Бу тадбирнинг пойтахт кўчаларининг гўзал ва замонавий қиёфаси, беазаги, биноларнинг ташқи кўриниши, шаҳарнинг ободлиги ва инфратузилмасини янада яхшилашга ҳисса қўшиши кўзда тутилган.

(Кўрик-танлов шартлари билан газетанинг 2-саҳифасида танишасиз).

**Мамлакатимизда шахс ва оиланинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти ва онгини ошириш демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти барпо этишнинг муҳим шарт сифатида белгиланган.**

## Фармон ва ижро

### ДОЛЗАРБ МАВЗУГА БАҒИШЛАНДИ

Президентимиз Ислон Каримовнинг 1997 йил 25 июнда қабул қилинган «Ҳуқуқий тарбияни яхшилаш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти даражасини юксалтириш, ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, жамоатчилик фикрини ўрганиш иштини яхшилаш ҳақида»ги Фармони бу борада муҳим дастуруламал бўлаётди.

Ушбу йўналишдаги изчил саъй-ҳаракатлар ҳуқуқий демократик давлат қурилиши, қонунчилиги мустақамлаш ва ижтимоий адолатни қорор топтиришга қаратилган ислохотларни янги мазмун билан бойитмоқда. Аҳолининг ҳуқуқий билими ва онги юксалиб, жамият сиёсий ҳаётидаги фаоллиги тобора ошмоқда. Ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш тизими тубдан такомиллашгани мамлакатимизда ҳуқуқ соҳасининг ривожиди алоҳида аҳамият касб этаётди. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Юристар малакасини ошириш маркази бу борада самарали фаолият олиб бормоқда.

Пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан ҳуқуқшунос кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш жараёнларини янада такомиллаштиришга бағишлаб ташкил этилган давра сўхбатида шу йўналишда амалга оширилаётган ишлар таҳлил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг ўринбосари Қ.Тоғаев, Юристар малакасини ошириш маркази директори А.Ғафуров ва бошқалар мустақиллик йилларида мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимини демократлаштиришга, жиноят, жиноят-процессуал қонунчилигини либераллаштириш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларни ҳимоя қилинишини таъминловчи мустақил суд ҳокимиятини шакллантиришга йўналтирилган кенг қўламли ишлар амалга оширилганини таъкидлади.

(Давоми 2-бетда)

## ҚИСҚА САТРАПДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ **ЎЗБЕКИСТОН** Миллий матбуот марказида бўлиб ўтган анжуман, миллий эстрада санъатини такомиллаш-

тириш ва умрбоқий кадрларимизга хос санъат йўналишларини ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ишлар сарҳисобига бағишланди.

✓ **ПОЙТАХТИМИЗДА** ўтказилган судлар мустақиллигини таъ-

минлаш ва Ўзбекистонда суд корпусини шакллантириш масалаларига бағишланган илмий-амалий анжуманда суд экспертлар, суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари, журналистлар иштирок этди.

✓ **РЕСПУБЛИКА** ихтисослаштирилган кардиология марказида ўтказилган тадбир Юртбошимизнинг «Ўзбекистон — мустақилликка эришиш оstonасида» китобининг мазмун-моҳиятига бағишланди.



## МАМЛАКАТИМИЗДА

• Навоий шахрида кимё саноати корхоналари учун тайёрланаётган мутахассислар бандлигини таъминлаш, бу борада вилоятда тўпланган тажрибани ўрганишга бағишланган семинар бўлиб ўтди.

• «Қамолот» ЁИХ Марказий Кенгаши Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликда ўтказаятган «Ёш чегарачилар» ҳарбий-ватанпарварлик мусобақасининг Сирдарё вилояти босқичи ўтказилди.

• Самарқанд Давлат чет тиллар институтида талабалар ўртасида хитой тили бўйича танловнинг биринчи босқичи бўлиб ўтди. Бунда талабаларнинг билими институтида фаолият юритаётган хитой тили ўқитувчилари ҳамда Пекиндан ташриф буюрган мутахассислар томонидан баҳоланди.

• Жорий йилда Сурхондарё вилояти галлакорлари 98 минг гектарлик суғориладиган майдонлардаги бошоқли дон экинларидан мўл ҳосил этиштиришни мўлжалламоқда. Ёнгинчилик меъёридан ортиқ бўлган бу йилги шароитда вилоят фермерлари «Половчанка», «Крош-ка», «Москвич» каби маҳаллий иқлимга мос, эртапишар ва серҳосил галла навлари уруғини бир текис ундириб олиб, баҳорги дала юмушларини тажрибада сигналган агротехник усқунлар асосида тез ва сифатли амалга оширишмоқдалар.

• Оҳангарон туманидаги Мурувват уйининг шарт-шароитлари тубдан яхшиланди. Бу ерда кенг қўламли қурилиш таъмирлаш ишлари амалга оширилиб, муассаса ҳудуди ободонлаштирилди. Мевали ва манзарали дарахтлардан иборат янги боғ ҳамда хиёбон ташкил этилди. Мазкур хайрли иш учун вилоят ҳокимлиги томонидан 132 миллион сўм ажратилди.

## ЖАҲОНДА

• Забайкальеда бир кун ичида ўрмон ёнгинларининг майдони кескин ошиб, 8 минг гектарга етди.

• Бутунамерика саммити тегишли натижасиз — қатнашчиларнинг ҳамкорликдаги декларацияси имзоланмагани ҳолда якунланди.

• Европа Комиссияси Интернет жиноятлари ва ноқонуний онлайн фаолиятига қарши курашувчи махсус марказ ташкил этилишини маълум қилди. Таъкидланишича, ушбу янги тузилма Европол—Нидерландиянинг Гаага шаҳрида жойлашган Европа Иттифоқи полиция хизмати таркибига киритилади ва унинг асосий вазифаси халқаро миқёсда уюшган жиноятчиликка қарши курашишда миллий хавфсизлик хизматлари фаолиятини мувоқаллаштириш ва ахборот алмашинувини яхшилашдан иборат бўлади.

• Кеча Москва жанубида олти машинанинг ўзаро тўқнашиб кетиши натижасида уч киши жабрланди.

• Шимолий Корея ҳукумати мамлакат ҳудудидан Космосга учирилган, бортида сунъий йўлдоши бўлган ракета ҳавога чиқарилгач, бир дақиқадан сўнг парчаланиб кетгани ва Океанга қулаб тушганини расмий равишда эълон қилди.

• Австралияда автомобиль тарихи ҳақида маълумот берувчи янги электрон терминал ихтиро қилинди. Маҳаллий матбуотнинг ёзишича, бундай терминал автомобиль ишқибозларига харид қилинаётган машина ҳақида барча маълумотларни олиш имконини беради. У ҳатто автоулов неча марта таъмирлангани ҳақида ҳам етарли маълумот бериш имкониятига эга. Хабарларга қараганда, мазкур электрон терминалларни мамлакатнинг барча шаҳарларида ўрнатиш режалаштирилган.

## Кўрик-танловга марҳамат



## ГЎЗАЛ ВА ЗАМОНАВИЙ ТОШКЕНТ

**Ҳамма вақт ҳам бирон-бир мамлакат тараққиёти, маданияти, халқининг салоҳияти, бунёдкорлиги, яратувчанлик қобилияти, илм-фани, шаҳарсозлик қудрати ҳақида сўз юритилганда биринчи галда унинг пойтахти эътиборда бўлади.**

Агар масалага шу нуқтаи назардан ёндашсак, Тошкент шаҳри мустақиллик йилларида чинакамга порлоқ келажакни кўзлаган, муттасил ривожланиб, янада обод, гўзал ва замонавий бўлиб бораётган, мамлакатнинг мегаполис шаҳрига айланди.

Буни исботлаш учун кўпдан-кўп факт ва далиллар келтириб ўтиришга ҳолат бўлма-са керак. Пойтахтимизнинг бугунги қиёфасини кўрган ҳар бир киши бунга тўла ишонч ҳосил қилади. Хусусан, кейинги йилларда шаҳримизда амалга оширилаётган улғувор ишлар ҳаммамизни қувонтиради. Мамлакатимиз мустақиллигининг дастлабки йилларида бошлаб Юртбошимизнинг бевоқифа ташаббуси ва раҳнамолигида Тошкент шаҳрида улкан бунёдкорлик ишлари олиб борилмоқда. Замонавий архитектура талаблари асосида янги бино ва иншоотларни барпо этиш, дам олиш масканлари, боғ ва майдонларни яратиш ҳамда аҳолига қулай инфратузилмани ташкил этиш борасида катта ишлар амалга оширилди. Бу ишлар айнан нималардан иборат эканидан Сиз – мухтарам муштайларимиз газетамиз саҳифа-

ларида босилиб келаётган материаллар орқали ҳам яхши бохабарсиз. Шунга қарамадан, ҳаммамиз азим шаҳримизни бундан ҳам гўзал, янада обод, ниҳоят даражада ривожланган, ер юзидаги ҳеч бир давлатнинг пойтахтидан қолшмайдиган маконга айлантириш истаги билан яшаймиз, шунга интилаверамиз.

Бинобарин, Президентимиз шу йилнинг 16 мартда Халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидаги нутқида ҳам Тошкент шаҳрини ривожлантириш, жумладан, уни обод ва замонавий пойтахтга айлантириш борасида яқин келажакда қилиниши лозим бўлган йўналишларни аниқ-равшан белгилаб берди. Хусусан, Эски шаҳар қисмини 2020 йилгача бўлган даврда ривожлантириш ва ободонлаштириш бўйича алоҳида тўхталди. Яқинда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Тошкентнинг Эски шаҳар қисмини 2020 йилгача бўлган даврда ривожлантириш ва ободонлаштириш бўйича махсус фармойиши қабул қилинди. Ана шу фармойишда икки муҳим масалани ечишга алоҳида эътибор қаратилган. Биринчиси шуки, бу ҳудуддаги йўл-транспорт коммунал хизматининг ҳолати, турар жой мавзе-

ларининг ичимлик суви, канализация, иссиқлик ва электр энергияси билан таъминланиш даражасини замон талаблари, шаҳарсозлик ва санитария меъёрларига нечоғли жавоб беришини ҳисобга олиш керак. Иккинчиси – реконструкция ишларини амалга оширишда миллий меъморчилигимизнинг ўзига хос хусусият ва анъаналарини, халқимиз маданий меросининг тим-соли бўлган, ислом маданияти ва жаҳон тамаддуни рағнақига катта ҳисса бўлиб қўшилган тарихий-меъморий ёдгорликларни асраб-авайлаш масаласи.

Бу дастур лойиҳасининг босқичма-босқич ва изчил тарзда амалга оширилиши белгилаб қўйилган бўлиб, пойтахтимизни замонавий шаҳарсозлик асосида ривожлантириш ва ободонлаштиришни кўзда тутди. Чунки Тошкент фақат Ўзбекистоннинг пойтахтигина эмас, балки жаҳон шаҳарсозлигининг ҳам бебаҳо бойлиги ҳисобланади. Эски шаҳарда 2200 йиллик тарих яширин. У бутун жаҳоннинг мулки, қадим Шарқ шаҳарсозлигининг ноёб бойлиги янглиг қадри гўша. Бинобарин, Давлатимиз раҳбари бу ҳақда шундай деди: **«Энг муҳими, Тошкентнинг қандай қадимий ва бой ўтмиши борлигини, дунёда 2200 йиллик тарихга эга бўлган шаҳарлар бармоқ билан санарли эканини ҳеч қачон унутмаслигимиз керак».**

Кўриб турибдики, пойтахтимизни янада рағнақ топтириш борасида яқин келажакда Юртбошимиз белгилаб берган йўналишлар бўйича ҳали кўп-кўп ишларни амалга оширишимиз керак.

## Кўрик-танлов куйидаги тўққиз номинация бўйича ўтказилади:

**1. Ландшафт дизайни ва кўчаларни кўкаламзорлаштириш лойиҳаси** (кўчани кўкаламзорлаштириш, суғориш ва гул билан безаш, дарахт ва буталарни дизайнли буташ лойиҳалари ҳамда комплекс ечим).

**2. Кўчалар чорраҳасини безаш лойиҳаси** (бордюрлар, тўсиқлар, деворлар, светофор ва кўча чироклари устуни дизайни, кичик меъморий шакл ва элемент лойиҳалари ҳамда комплекс ечим).

**3. Турар жой мавзеларининг ички ҳудудини ободонлаштириш ва безаш лойиҳаси** (кўп қаватли уйларнинг фасади, йўлак безаги, мавзедоғи ахборот тарғибот воситаси, болалар спорт ва ўйин майдончалари, кичик меъморий шакллар, ўриндиқлар, гулхоналар кабиларга оид лойиҳалар ҳамда комплекс ечим).

**4. Кўча ва хиёбонлардаги кичик меъморий элементлар лойиҳаси** (гул, ўсимликлар ва қурилиш материалларидан турли шакллар, гулхоналар, гултувак ва бошқалар бўйича элементлар дизайни ҳамда комплекс ечим).

**5. Шаҳар кўчалари ва бинони ёритиш ва иллюминация орқали безаш лойиҳаси** (кўчаларга ёритиш ва иллюминация элементлари, бино фасадини ёритиш ва иллюминация орқали безаш, архитектура элементлари, иллюминация шакллари, ёритиш воситала-

ри намуналари ҳамда комплекс ечим).

**6. Хизмат кўрсатиш муассасаси дизайни лойиҳаси** (дўкон, умумовқатланиш шохобчаси, ресторан ва бошқа сервис объектларининг ташқи ва ички дизайни, фасад, витрина, пешлавҳа, мебель, сервис анжомлари, ёндош ҳудудларнинг қиёфаси, ташқи ва ички ёритиш дизайни ҳамда комплекс ечим).

**7. Майдон ва дам олиш масканларини безаш лойиҳаси.**

**8. Кўча мебеланинг замонавий намунаси лойиҳаси** (ахборот воситалари, матбуот дўконлари, ўриндиқлар, урналар, кўча ёритиш устунлари ва бошқалар намунаси ҳамда комплекс ечим).

**9. Реклама конструкцияларининг такомиллашган намунаси лойиҳаси** (конструкцияларни шаҳар архитектура-си ва дизайни билан уйғунлаштириш, пойдевори ва устунларини меъморий шакллар билан бойитиш, янги шакл намуналари, кўриниши ҳамда комплекс ечим; байрамларда шаҳарни ташқи безаш учун янги конструкциялар, шакллар ва элементлар намунаси ҳамда комплекс ечим).

Кўрик-танловда лойиҳадаги объектларнинг дизайни визуал кўриниши, шаҳар аҳолиси учун қулай ва ҳар томонлама функционаллиги, лойиҳадан фойдаланишга қулайлиги, лойиҳанинг инновационлиги, лойиҳа ечимининг оригиналлиги каби баҳолаш мезонларига амал қилинади.

## Ҳар бир номинация бўйича куйидаги мукофотлар белгиланган:

- 1-ўрин – 3 000 000 сўм ва диплом;
- 2-ўрин – 2 000 000 сўм ва диплом;
- 3-ўрин – 1 000 000 сўм ва диплом.

Кўрик-танлов ҳайъатининг қарорига асосан номинация бўйича биронта ўринга икки ёки ундан ортиқ лойиҳа голиб деб топилса, мукофот пули ўрин эгаллаганлар сонига тенг равишда тақсимланиб, ҳар бирига диплом берилади.

Кўрик-танлов натижалари ва голиблар «Тошкент оқшоми» ҳамда «Вечерний Ташкент» газеталарида эълон қилинади.

Лойиҳалар бўйича [www.toshkent.uz/tanlov](http://www.toshkent.uz/tanlov) сайти ҳамда Амир Темур шоҳ кўчаси, 14-уйда жойлашган «Тошкент Реклама-Сервис» давлат унитар корхонасига мурожаат қилинг.

Пойтахтимизни янада гўзал ва замонавий шаҳарга айлантиришга бел боғлаган лойиҳачиларни ушбу кўрик-танловда фаол иштирок этишга чорлаймиз.

## ДОЛЗАРБ МАВЗУГА БАҒИШЛАНДИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Юристар малакасини ошириш марказида суд, адлия, адвокатūra идораларининг вакиллари, мулкчилик шаклидан қатъи назар, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар юридик хизматларининг ходимлари, юридик таълим муассасалари профессор-ўқитувчиларининг малакасини ошириш ва судьяликка номзодларни қайта тайёрлаш борасида изчил иш олиб борилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Олий ҳўжалик суди, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институтини, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази, Адвокатлар палатаси, олий таълим муассасаларининг вакиллари иштирок этган тадбирда малака ошириш ишларини янада такомиллаштириш масалалари, қабул қилинаётган янги намунавий ўқув дастурлари муҳокама қилинди.

## ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАН

**Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида «Шахсни ривожлантиришнинг этик ва эстетик жиҳатлари» мавзусида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди. Тадбир Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Япониянинг халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA) томонидан ташкил этилди.**

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ректори Ф.Мухамедов, Япониянинг халқаро ҳамкорлик агентлиги раҳбари ўринбосари Тоцука Шинжи ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида Ўзбекистонда ёш авлодни миллий ва умуминсоний кадрлар руҳида, ҳар томонлама билимли, маънан бой ва етуқ шахслар этиб тарбиялаш борасида изчил ишлар амалга оширилаётганини таъкидлади.

Ҳозирги глобаллашув даврида жамият фаровонлиги ва баркамол шахс тушунчаларини англашга турли ёндашувлар жамиятнинг маънавий янгилаш ҳамда одоб-ахлоқ муҳитини шакллантириш жараёнларида муҳим ўрин тутмоқда.

Шу боис ёшларнинг турли қизиқиш ва қобилиятлари, тарбия ишларини такомиллаштириш омилларини илмий нуқтаи назардан ўрганиш мазкур конференциянинг бош мавзуси бўлди.

Унда ҳар томонлама етуқ шахсини шакллантириш омиллари, ўсиб келаётган ёш авлодни тарбиялашнинг ижтимоий-маънавий ва иқтисодий жиҳатлари ҳамда имконияти чекланган шахсларни жамият ҳаётига мослаштириш каби масалалар муҳокама этилди.

## БИЛИМЛИ ВА ТАШАББУСКОР ЁШЛАР – ИШЛАБ ЧИҚАРИШГА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ҳозир «Bunyodkor Tamiz servisi» масъуляти чекланган жамияти, 12-трестнинг 52-қурилиш бошқармаси, «Габус қурилиш тўрт» масъуляти чекланган жамияти ва коммунал-қурилиш соҳасида фаолият кўрсатаётган бошқа кўплаб ташкилотлар, фирмалар ва компаниялар билан уч-томонлама шартномалар имзоланди.

– Амалий машғулотлар таълимнинг муҳим босқичи ҳисобланади, – дейди Гауз таъминоти бўйича махсус фан ўқитувчиси Гул Муҳаммад-жонова. – Ҳар бир ўқувчи келажакда малакали мутахассис бўлиб етишиш учун ускуналар ва иш қуроллари билан ишлаш кўникмаларини ривожлантириши лозим.

– Мен болалигимдан меъмор бўлишни орзу қиламан, – дейди учинчи босқич ўқувчиси Бахтиёр Низомиддинов. – Ўқиш давомида танлаган касбим бўйича тажрибали педагог ва мураббийлар ёрдамида кўплаб зарур билим ва кўникмаларни эгалладим. Айниқса, лойиҳа институтида ўтказган ишлаб чиқариш амалиёти менда катта таассурот қолдирди. «Устоз-шогирд» тизими бўйича мени малакали мутахассисга бириктириб қўйишди ва у менга реал лойиҳа устида ишлаш имконини берди. Мен икки қаватли бинонинг электрон моделини яратиш ва режалаштиришда иштирок этдим. Бунда менга коллежда олган билимларим жуда қўл келди. Мен билан учтомонлама шартнома имзоланганидан ва коллежани тамомлаганимдан кейин ишга жойлашшимдан хурсандман.

Бугунги ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларининг ўзига хос хусусияти шундаки, улар меҳнат бозоридоғи ҳар қандай ўзгаришларга тез мослаша олади ва иқтисодийнинг реал сектори, шунингдек, кичик бизнесни замонавий билимлар, зарур амалий кўникмаларни эгаллаган малакали ва ташаббускор кадрлар билан таъминлашда муҳим ўрин тутди.

(ЎЗА)

# ЖАҒАПТИК ЭЛЕКТРАЛАР

## Диломи Бош ўтган сонда

**Ўзбекистон**  
 5.55 Кўрсатувлар дастури.  
 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»  
 7.00 «Олам ва одам» дастури: «Замин гаройиботлари».  
 7.15 «Икким»  
 7.20 «Кўнгли қушиқ истайди»  
 7.30 «Уй қумшалари» Т/с.  
 8.00 «Ахборот»  
 8.40 Миллий сериал: «Турмуш чорраҳаларида»  
 9.30 «Табассум»  
 9.50 «Бизанс ва мен»  
 10.05 Қорақалпоғiston Республикаси телеархиви «Жаманайна» на мойиш этакли.  
 10.20 «Калбимга қулоқ тут» Т/с.  
 11.00 «Ахборот»  
 11.10 «Людвиг» Т/с.  
 12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»  
 12.05 «Кўнгли қушиқ истайди»  
 13.00 «Ахборот»  
 13.10 «Доктор Хаус» Т/с.  
 14.00 «Ахборот»  
 14.15 «Аёл бағди»  
 14.30 Миллий сериал: «Туташ такдирлар»  
 15.00 «Ахборот»  
 21.00 «Кўшмоқдан мактублар»  
 21.40 «Калбимга қулоқ тут» Т/с.  
 22.45 «Людвиг» Т/с.  
 23.35 «Олам ва одам» дастури: «Замин гаройиботлари»  
 23.50 – 23.55 «Очун»  
 23.55 Кўрсатувлар дастури.  
 00.00 «Табассум»  
 00.20 «Аёл бағди»  
 00.35 «Ўртим бўйлаб» дастури: «Биринчи қўлиқ истайди»  
 00.55 «Кўнгли қушиқ истайди»  
 1.00 «Ахборот» (рус.)  
 1.30 Миллий сериал: «Турмуш чорраҳаларида»  
 2.25 «Тараққий дастури»  
 2.55 «Очун»  
 3.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»  
 4.00 Миллий сериал: «Туташ такдирлар»  
 5.50 – 5.55 «Очун»  
**Ёшлар**  
 6.00 «Ватан меҳри»  
 6.10 «Мумтоз наво»  
 6.30 «Кулгу»  
 7.00 «Мультианорама»  
 7.05 «Ёшлик наволари»  
 8.00 Миллий сериал: «Чорраҳадаги уй»  
 9.00 «Олтин тупроқ»  
 9.10 «Кетмай» Т/с.  
 10.00 «Давр»  
 10.10 «Кайлик ўйрашлар» Б/ф.  
 11.20 «Қишлоқ тарихи»  
 12.10 «Ўзбек наволари» Т/с.  
 12.50 «ЎЗЕХ»  
 13.00 «Давр»  
 13.10 «Ёшлик наволари»  
 13.30 «Қумдон» Т/с.  
 14.00 «Кавинтон Кросс» Т/с.  
 14.30 «Мултолла» Т/с.  
 17.30 «Ўткунчи дунё» Б/ф. 2-кисм.  
 18.50 «ЎЗЕХ»  
 19.00 «Давр»  
 19.30 «Кетмай» Т/с.  
 20.20 «Ош бўлисин»  
 21.00 «Ўзбек наволари» Т/с.  
 21.40 «Ёшлик наволари»

22.00 «Давр»  
 22.30 «Қумдон» Т/с.  
 23.30 «Афсона ва ҳақиқат»  
 00.00 «Ватан меҳри»  
 00.10 «Ёшлик наволари»  
 00.30 «Ганнибал» Б/ф.  
 2.00 «Давр»  
 2.30 Миллий сериал: «Чорраҳадаги уй»  
 3.00 «Афсона ва ҳақиқат»  
 3.30 «Унутилмас оҳанглари»  
 4.00-6.00 «Сехри қулар»  
**Тошкент**  
 6.00 Кўрсатувлар тартиби.  
 6.05 «Ўқисид-рево»  
 6.15 «Табассум»  
 6.20 «Жумон» Т/с. 56-кисм.  
 7.00 «Пойтахт»  
 7.30 «Салом, Тошкент!»  
 8.20 Тошкент тароналари.  
 8.50 «Икки тақдир» Т/с. 175-кисм.  
 9.10 «Интервью»  
 9.20 «Интеллектуал аукцион»  
 9.30 «Пойтахт»  
 9.40 Миллий сериал: «Одамлар орасида» 9-кисм.  
 10.30 «Ахборот»  
 10.40 «Хор жаҳоннинг концертлари»  
 10.30 «Пойтахт» (рус.)  
 10.40 «Тасс из рода Дарбервиллей» Т/с. 1-кисм./Премьера/  
 11.05 «Репортаж»  
 11.15 «Хитойча даво» Б/ф.  
 12.00 «Салом, Тошкент!»  
 14.00 «Дунё» теледастури.  
 15.00 «Пойтахт»  
 15.15 «Икки тақдир» Т/с. 176-кисм.  
 15.35 «Истеъдод»  
 15.55 «Уларим»  
 16.00 Тошкент тароналари.  
 16.05 «Ислохот одиллари»  
 16.35 «Кечинмалар»  
 16.50 «Чип ва Дейл» 26-кисм.  
 17.15 «Мисли гапар»  
 17.25 «Кино SMS со звездами»  
 17.45 «Эртанги эгалари»  
 18.00 «Пойтахт»  
 18.25 «Иборат»  
 18.50 Миллий сериал: «Одамлар орасида» 10-кисм./Премьера/  
 19.20 «Телекурьер-маркет»  
 19.30 Тошкент тароналари.  
 19.50 «Интеллектуал аукцион»  
 20.00 «Пойтахт»  
 20.25 «Жумон» Т/с. 57-кисм.  
 21.05 Тошкент тароналари.  
 21.15 «Уларим»  
 21.30 «Пойтахт» (рус.)  
 21.50 «Телекурьер-маркет»  
 22.00 «Интервью»  
 22.05 «Кино SMS со звездами»  
 22.15 «Роман ва Бизус» Х/ф.  
 22.55 «Бизанс-пойтахт»  
 00.00 Кўрсатувлар тартиби.  
 00.05 «Икки тақдир» Х/ф.  
 1.35 «Открытая дверь»  
 2.05 «Великие таяния» Д/ф.  
 2.55 «Уларим»  
 3.10 «Бизанс-пойтахт»  
 3.15 «Хитойча даво» Б/ф.  
 5.00-6.00 «Салом, Тошкент!»

## ГАЙШАНБА, 19

15.15 «Икки тақдир» Т/с. 176-кисм.  
 15.35 «Истеъдод»  
 15.55 «Уларим»  
 16.00 Тошкент тароналари.  
 16.05 «Ислохот одиллари»  
 16.35 «Кечинмалар»  
 16.50 «Чип ва Дейл» 26-кисм.  
 17.15 «Мисли гапар»  
 17.25 «Кино SMS со звездами»  
 17.45 «Эртанги эгалари»  
 18.00 «Пойтахт»  
 18.25 «Иборат»  
 18.50 Миллий сериал: «Одамлар орасида» 10-кисм./Премьера/  
 19.20 «Телекурьер-маркет»  
 19.30 Тошкент тароналари.  
 19.50 «Интеллектуал аукцион»  
 20.00 «Пойтахт»  
 20.25 «Жумон» Т/с. 57-кисм.  
 21.05 Тошкент тароналари.  
 21.15 «Уларим»  
 21.30 «Пойтахт» (рус.)  
 21.50 «Телекурьер-маркет»  
 22.00 «Интервью»  
 22.05 «Кино SMS со звездами»  
 22.15 «Роман ва Бизус» Х/ф.  
 22.55 «Бизанс-пойтахт»  
 00.00 Кўрсатувлар тартиби.  
 00.05 «Икки тақдир» Х/ф.  
 1.35 «Открытая дверь»  
 2.05 «Великие таяния» Д/ф.  
 2.55 «Уларим»  
 3.10 «Бизанс-пойтахт»  
 3.15 «Хитойча даво» Б/ф.  
 5.00-6.00 «Салом, Тошкент!»

12.55 Рақамлар, натижалар, рейтинглар.  
 13.00 Ҳабарлар  
 13.10 Болалар майдончаси: «Спортландия»  
 Мультифильм.  
 13.35 АНОНС.  
 13.40 Спорт гимнастикаси. Жаҳон чемпионати.  
 14.45 Марафон. Франция.  
 16.00 АНОНС.  
 16.15 Футбол. Европа чемпионатлари лигаси. «Челси» — «Барселона»  
 17.55 АНОНС.  
 18.00 Болалар майдончаси: «Спортландия»  
 Мультифильм.  
 18.25 АНОНС.  
 18.30 ХАБАРЛАР.  
 18.50 Саломатлик хазиnasi.  
 18.55 «Военное дело»  
 19.50 АНОНС.  
 19.30 Муайят бўйича рейтинг жанглари.  
 20.30 «Спорт — маркетинг»  
 20.40 «Брейн-ринг»  
 21.25 АНОНС.  
 21.30 ХАБАРЛАР.  
 21.50 Саломатлик хазиnasi.  
 22.00 «Интерфутбол»  
 23.35 Жума дастури анонси.  
 23.45 Футбол. Биринчи лига. «Тур хисоботи»  
 00.00 Футбол. Европа лигаси. «Атлетико» — «Валенсия». Тургида — турнир олим кортежлари.  
 1.55 АНОНС.

## РОССИЯ

04.00 Утро России  
 08.00 «С новым домом!» Ток-шоу  
 08.40 «О самом главном» Ток-шоу  
 10.00, 13.00, 16.00, 19.00 Вести-Москва  
 10.50, 14.45, 03.45 Вести. Дежурная часть  
 11.00 «Сериал «Кудряш и партнёр»»  
 12.00 «Сериал «Тайны следствия»»  
 13.50 «Сериал «Ефросинья. Таёжная любовь»»  
 14.50 «Сериал «Кровинюшка»»  
 15.50 «Бранное агентство Николая Басовца»  
 17.50 «Прямой эфир»  
 18.00 «Спокойной ночи, малыши!»  
 20.00 «Сериал «Мур»»  
 21.45 «Поединок. Программа Владимира Соловьёва»  
 22.25 Вести  
 23.45 «Профилактика»  
 00.55 Худ. фильм «Наблюдающий незнакомец»  
 02.45 «Сериал «Закон и порядок»»  
**НТВ**  
 04.55 Информационный канал «НТВ-Утро»  
 07.30 «Сериал «Литейный»»  
 08.00 Обзор. Чрезвычайное происшествие.  
 09.00 «Суд»  
 09.20 «Суд присяжных»  
 11.00 Суд присяжных.  
 12.00 Сегодня.  
 12.30 «Острожский» сериал «Мен-товские войны»  
 14.30 Обзор. Чрезвычайное происшествие.  
 15.00 Сегодня.  
 15.25 «Суд присяжных»  
 16.40 «Юристы»  
 17.30 Обзор. Чрезвычайное происшествие.  
 18.00 Сегодня.  
 18.40 Боевик «Братаны»  
 21.50 «Сериал «Лига Европы УЕФА»»  
 22.00 «Сериал «Полубинал. Прямая трансляция»»  
 00.00 «Острожский сериал «Мен-товские войны»»  
 01.55 «Лига Европы УЕФА. Обзор»  
 02.25 Чудо-лоди.  
 03.00 «Сериал «Скорая помощь»»  
 04.05 «Детективный сериал «Знаки судьбы»»

## Ўзбекистон

5.55 Кўрсатувлар дастури.  
 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»  
 7.00 «Олам ва одам» дастури: «Замин гаройиботлари»  
 7.15 «Икким»  
 7.20 «Кўнгли қушиқ истайди»  
 7.30 «Уй қумшалари» Т/с.  
 8.00 «Ахборот»  
 8.40 Миллий сериал: «Турмуш чорраҳаларида»  
 9.35 «Кун навузиси»  
 9.45 «Сизнинг адвокатингиз»  
 10.15 «Сизнинг адвокатингиз»  
 10.20 «Калбимга қулоқ тут» Т/с.  
 11.00 «Ахборот»  
 11.10 «Людвиг» Т/с.  
 12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»  
 12.05 «Кўнгли қушиқ истайди»  
 13.00 «Ахборот»  
 13.10 «Доктор Хаус» Т/с.  
 14.00 «Ахборот»  
 14.15 «Аёл бағди»  
 14.30 Миллий сериал: «Туташ такдирлар»  
 15.00 «Ахборот»  
 21.00 «Кўшмоқдан мактублар»  
 21.40 «Калбимга қулоқ тут» Т/с.  
 22.45 «Людвиг» Т/с.  
 23.35 «Олам ва одам» дастури: «Замин гаройиботлари»  
 23.50 – 23.55 «Очун»  
 23.55 Кўрсатувлар дастури.  
 00.00 «Табассум»  
 00.20 «Аёл бағди»  
 00.35 «Ўртим бўйлаб» дастури: «Биринчи қўлиқ истайди»  
 00.55 «Кўнгли қушиқ истайди»  
 1.00 «Ахборот» (рус.)  
 1.30 Миллий сериал: «Турмуш чорраҳаларида»  
 2.25 «Тараққий дастури»  
 2.55 «Очун»  
 3.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»  
 4.00 Миллий сериал: «Туташ такдирлар»  
 5.50 – 5.55 «Очун»  
**Ёшлар**  
 6.00 «Ватан меҳри»  
 6.10 «Мумтоз наво»  
 6.30 «Кулгу»  
 7.00 «Мультианорама»  
 7.05 «Ёшлик наволари»  
 8.00 Миллий сериал: «Чорраҳадаги уй»  
 9.00 «Олтин тупроқ»  
 9.10 «Кетмай» Т/с.  
 10.00 «Давр»  
 10.10 «Кайлик ўйрашлар» Б/ф.  
 11.20 «Қишлоқ тарихи»  
 12.10 «Ўзбек наволари» Т/с.  
 12.50 «ЎЗЕХ»  
 13.00 «Давр»  
 13.10 «Ёшлик наволари»  
 13.30 «Қумдон» Т/с.  
 14.00 «Кавинтон Кросс» Т/с.  
 14.30 «Мултолла» Т/с.  
 17.30 «Ўткунчи дунё» Б/ф. 2-кисм.  
 18.50 «ЎЗЕХ»  
 19.00 «Давр»  
 19.30 «Кетмай» Т/с.  
 20.20 «Ош бўлисин»  
 21.00 «Ўзбек наволари» Т/с.  
 21.40 «Ёшлик наволари»

## ЖУМА, 20

15.15 «Икки тақдир» Т/с. 177-кисм.  
 15.35 «Премьера»  
 16.00 «Саломатлик хазиnasi»  
 16.00 Тошкент тароналари.  
 16.05 «Ислохот одиллари»  
 16.35 «Кечинмалар»  
 16.50 «Чип ва Дейл» 27-кисм.  
 17.15 «Мисли гапар»  
 17.25 «Кино SMS со звездами»  
 17.40 «Тошкентнинг илм масканилари»  
 17.55 «Уларим»  
 18.00 «Пойтахт»  
 18.25 Мустаҳкам оила йиллиги: «Мустаҳкам оила-фароғат манзили»  
 18.50 Миллий сериал: «Одамлар орасида» 11-кисм./Премьера/  
 19.20 «Телекурьер-маркет»  
 19.30 Тошкент тароналари.  
 19.50 «Интеллектуал аукцион»  
 20.00 «Пойтахт»  
 20.25 «Таянч нуқтаси»  
 20.55 «Бизанс-пойтахт»  
 21.00 Тошкент тароналари.  
 21.10 «Интервью»  
 21.30 «Пойтахт» (рус.)  
 21.50 «Телекурьер-маркет»  
 22.00 «Интервью»  
 22.05 «Кино SMS со звездами»  
 22.15 «Роман ва Бизус» Х/ф.  
 22.55 «Бизанс-пойтахт»  
 00.00 «Саломатлик хазиnasi»  
 1.55 «Все о туризме»  
 2.25 «Пустыни» Д/ф.  
 2.55 «Уларим»  
 3.35 «Танишинг, Жо Блек» Б/ф. 1-кисм.  
 5.00-6.00 «Салом, Тошкент!»  
**Спорт**  
 6.00 «Хайрилик тонг»  
 6.05 АНОНС.  
 6.10 «Саломат бўлинг»  
 6.30 «Военное дело»  
 6.30 «Футбол тарихи»  
 7.25 Болалар майдончаси: «Спортландия»  
 Мультифильм.  
 7.55 АНОНС.  
 8.00 ХАБАРЛАР.  
 8.10 «Саломатлик хазиnasi»  
 8.30 «Футбол тарихи»  
 10.10 АНОНС.  
 10.15-30 иллада – 30 воқеа. Стивен Барт ва унинг мухлислари.  
 11.10 АНОНС.

формацион блок  
 19.40 «Клон» Т/с (14-кисм)  
 20.30 «Худуд ахборот-таҳлилий дастури»  
 20.50 «Бизнес репорт» иқтисодий-таҳлилий дастури  
 21.35 «Бизнес репорт» дастури  
 21.30 «Тошчи» Б/ф  
 23.45 «Жаҳон НТТ нигоҳида» инфо-формацион блок  
 19.15 «Колон» курсативи  
 00.00 «Музыка вақти» дастури  
 00.00 Тунги кинозал: «Смертельный номер» Б/ф  
 02.00 Тунги хайри бўлисин!  
**Первый канал**  
 04.00, 08.05 Телеканал «Доброе утро»  
 08.10, 11.00, 14.00, 02.00 Новости  
 08.35 Контрольная закупка  
 09.00 «Жить здорово!»  
 10.00 Модный приговор  
 11.20 Сериал «Банды»  
 12.00, 01.30 «Криминальные хроники»  
 13.00 Друзья новости  
 13.20 Понять. Простить  
 14.25 Сериал «Обручальное кольцо»  
 15.15 «Право на защиту»  
 16.00 «Среды обитания»  
 16.40 «Гал бор» Ток-шоу.  
 19.25, 20.00, 20.55 Эълонлар.  
 19.30 «Ахборот» (рус.)  
 20.05 «Ойдин хайт» Ток-шоу.  
 21.00 «Ахборот»  
 21.40 Жаҳон киноси дурдоналари: «Койнот бўйлаб сўраш»  
 23.35 – 23.45 «Очун»  
 23.45 Кўрсатувлар дастури.  
 23.50 «Икким»  
 23.55 «Гал бор» Ток-шоу.  
 00.40 «Ўртим бўйлаб» дастури: «Музыкакор батик»  
 1.00 «Ахборот» (рус.)  
 1.30 «Кўна замин оҳанглари»  
 1.45 «Узининг англа» Ток-шоу.  
 2.50 «Олтин мерос»  
 3.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»  
 4.00 «Ахборот»  
 4.40 «Оналар мактаби»  
 4.50 Миллий сериал: «Одамлар орасида» 12-кисм./Премьера/  
 5.15 «Уйла, Изла, Топ!»  
 5.50 – 5.55 «Очун»

## Ўзбекистон

5.55 Кўрсатувлар дастури.  
 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»  
 7.00 «Олам ва одам» дастури: «Ер сайраб»  
 8.00 «Ахборот»  
 8.40 «Кўна замин оҳанглари»  
 Телефестиваль.  
 9.15 «Хайт тилими»  
 9.35 Оилавий кино: «Сариқ ит»  
 11.00 «Узининг англа» Ток-шоу.  
 11.45 «Оналар мактаби»  
 12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»  
 12.00 «Доктор Хаус» Т/с.  
 13.45 «Уйла, изла, топ!»  
 14.00 «Ахборот»  
 14.15 Миллий сериал: «Туташ такдирлар»  
 14.50 «Икким»  
 14.55 «Таштлди саргузаштлар»  
 Б/ф.  
 16.20 «Уйла, Изла, Топ!»  
 17.00 «Эрталаб-яхшиликка етаклар»  
 17.30 «Эрли хотин» Б/ф. 1-кисм.  
 18.40 «Гал бор» Ток-шоу.  
 19.20 «Бахшиёна»  
 19.25, 20.00, 20.55 Эълонлар.  
 19.30 «Ахборот» (рус.)  
 20.05 «Ойдин хайт» Ток-шоу.  
 21.00 «Ахборот»  
 21.40 Жаҳон киноси дурдоналари: «Койнот бўйлаб сўраш»  
 23.35 – 23.45 «Очун»  
 23.45 Кўрсатувлар дастури.  
 23.50 «Икким»  
 23.55 «Гал бор» Ток-шоу.  
 00.40 «Ўртим бўйлаб» дастури: «Музыкакор батик»  
 1.00 «Ахборот» (рус.)  
 1.30 «Кўна замин оҳанглари»  
 1.45 «Узининг англа» Ток-шоу.  
 2.50 «Олтин мерос»  
 3.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»  
 4.00 «Ахборот»  
 4.40 «Оналар мактаби»  
 4.50 Миллий сериал: «Одамлар орасида» 12-кисм./Премьера/  
 5.15 «Уйла, Изла, Топ!»  
 5.50 – 5.55 «Очун»  
**Ёшлар**  
 6.00 «Ватан меҳри»  
 6.10 «Мумтоз наво»  
 6.30 «Кулгу»  
 7.00 «Мультианорама»  
 8.00 «Ёшлик наволари»  
 8.20 Миллий сериал: «Чорраҳадаги уй»  
 9.00 «Сехри қулар»  
 9.20 «Кетмай» Т/с.  
 10.00 «Давр»  
 10.10 «Шайтон малайлари жанрлар тегижида» Б/ф.  
 11.40 «Айлан» Т/с.  
 12.10 «Ўзбек наволари» Т/с.  
 12.50 «ЎЗЕХ»  
 13.00 «Давр»  
 13.10 «Ёшлик наволари»  
 13.30 «Қумдон» Т/с.  
 14.00 «Кавинтон Кросс» Т/с.  
 14.30 «Мултолла» Т/с.  
 17.30 «Ўткунчи дунё» Б/ф. 2-кисм.  
 18.50 «ЎЗЕХ»  
 19.00 «Давр»  
 19.30 «Кетмай» Т/с.  
 20.20 «Ош бўлисин»  
 21.00 «Ўзбек наволари» Т/с.  
 21.40 «Ёшлик наволари»

## Ўзбекистон

5.55 Кўрсатувлар дастури.  
 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»  
 7.00 «Олам ва одам» дастури: «Ер сайраб»  
 8.00 «Ахборот»  
 8.40 «Кўна замин оҳанглари»  
 9.00 «Очун дастурхон»  
 9.20 Болалар унун фильм: «Пинокио» 2-кисм.  
 10.50 «Мохир қўлар»  
 11.00 «Ойдин хайт» Ток-шоу.  
 11.45 «Уларнинг бириди...»  
 12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»  
 13.00 «Уруш олови» Б/ф.  
 16.20 «Заковат»  
 17.20 «Эрли хотин» Б/ф. 2-кисм.  
 18.30 «Рангин дунё»  
 18.50 Миллий сериал: «Денгиздан томчи»  
 19.25, 20.00, 20.55 Эълонлар.  
 19.30 «Тахлинома» (рус.)  
 20.05 «Узининг англа» Ток-шоу.  
 21.00 «Тахлинома»  
 21.40 «Азизим»  
 22.10 «Хаммаша ёнингидан»  
 Б/ф.  
 00.15 – 00.20 «Очун»  
 00.20 Кўрсатувлар дастури.  
 00.25 «Табассум»  
 00.45 «Мохир қўлар»  
 1.00 «Тахлинома» (рус.)  
 1.30 «Заковат»  
 2.30 «Рангин дунё»  
 2.50 «Олтин мерос»  
 3.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»  
 4.00 «Тахлинома»  
 4.40 Миллий сериал: «Денгиздан томчи»  
 5.15 «Азизим»  
 5.45 – 5.55 «Очун»

## Ўзбекистон

5.55 Кўрсатувлар дастури.  
 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»  
 7.00 «Олам ва одам» дастури: «Ер сайраб»  
 8.00 «Ахборот»  
 8.40 «Кўна замин оҳанглари»  
 9.00 «Очун дастурхон»  
 9.20 Болалар унун фильм: «Пинокио» 2-кисм.  
 10.50 «Мохир қўлар»  
 11.00 «Ойдин хайт» Ток-шоу.  
 11.45 «Уларнинг бириди...»  
 12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»  
 13.00 «Уруш олови» Б/ф.  
 16.20 «Заковат»  
 17.20 «Эрли хотин» Б/ф. 2-кисм.  
 18.30 «Рангин дунё»  
 18.50 Миллий сериал: «Денгиздан томчи»  
 19.25, 20.00, 20.55 Эълонлар.  
 19.30 «Тахлинома» (рус.)  
 20.05 «Узининг англа» Ток-шоу.  
 21.00 «Тахлинома»  
 21.40 «Азизим»  
 22.10 «Хаммаша ёнингидан»  
 Б/ф.  
 00.15 – 00.20 «Очун»  
 00.20 Кўрсатувлар дастури.  
 00.25 «Табассум»  
 00.45 «Мохир қўлар»  
 1.00 «Тахлинома» (рус.)  
 1.30 «Заковат»  
 2.30 «Рангин дунё»  
 2.50 «Олтин мерос»  
 3.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»  
 4.00 «Тахлинома»  
 4.40 Миллий сериал: «Денгиздан томчи»  
 5.15 «Азизим»  
 5.45 – 5.55 «Очун»  
**Ёшлар**  
 6.00 «Ватан меҳри»  
 6.10 «Бухорини Шариф»  
 7.00 «Рақсар гулдастаси»  
 7.40 «Соғлом оила»  
 8.00 «Кувнок дўмбоқчалар»  
 8.40 «До ми-сол»  
 9.10 «Рўзгор мактаби»  
 9.40 «Ила меҳр булогини»  
 9.45 «Омад лотлар»  
 10.00 «Ватанпарвар»  
 10.40 Миллий кино: «Суночи»  
 11.50 «Унутилмас оҳанглари»  
 13.00 «Дан Кихот болалари»  
 Б/ф.  
 14.20 «Тошоша»  
 14.40 «Ману эртак» Б/ф.  
 16.30 «Ош бўлисин»  
 17.00 «Испектор Гахет» Б/ф.  
 18.30 «Мумтоз наво»  
 18.50 «Хушёр бўлинг!»  
 19.00 «Давр хайт ичиди»  
 19.30 «Кор алангаси» Т/с.  
 20.40 «Бакт формуласи»  
 21.30 «Ромео ва Жульетта» Б/ф.  
 23.40 «Жаҳон мусикаси»  
 00.0

«Олимпия ўйинлари — 2012»

**АББОС АТОЕВ — ОЛТИН МЕДАЛЬ СОҲИБИ**

Қозғоғистонда бокс бўйича ўтган Осиё олимпия саралаш турнирида Ўзбекистон терма жамоаси аъзоларидан Аббос Атоев ва Ўктам Раҳмонов олимпия йўлланмаларини қўлга киритди.

Буюк Британиянинг Лондон шаҳри мезбонлик қиладиган XXX ёзги Олимпия ўйинларида жами 250 нафар боксчи рингга чиқди. Халқаро ҳаваскор боксчлар уюшмаси — AIBA қарорига кўра, Олимпия ўйинларида қатнашадиган чарм кўлқоп усталари жаҳон чемпионати ҳамда хар бир қитъада ўтказиладиган олимпия саралаш турнирида сараланади. Шунингдек, World Series of Boxing — жаҳон бокс сериялари рейтинг асосида беш вазн тоифасида биттадан боксчига ҳам олимпия йўлланмаси ажратилган.

Остона шаҳрида ўтган саралаш турнирида Осиёнинг 28 давлатидан 130 нафардан зиёд энг сара чарм кўлқоп усталари иштирок этди. Ушбу муҳим мусобақада қитъамиз боксчилари ўзларига ажратилган сўнгги 25 олимпия йўлланмаси учун ўзаро рақобатлашди.

Ўзбекистон терма жамоаси аъзоларидан икки карра жаҳон чемпиони А. Атоев эришган натижа муҳлису мутахассисларимизни ҳушнуд этди. 75 килограмм вазн тоифасидаги баҳсларда жами 16 нафар спортчи тўрт йўлланма учун куч синашди. Боксчимиз дастлабки икки учрашувда жанубий кореялик Сун Жай Ву ҳамда малайзиялик Ҳорун Муҳаммад Фархонни катта устунлик билан энгиб, ярим финалда чиқди ва Лондонга йўлланмани қўлга киритди.

Бухоро бокс мактаби тарбияланувчиси ярим финал баҳсида тожикистонлик Собиржон Назаров устидан 13:2 ҳисобида за-

фар кучди. Финал учрашувда туркменистонлик Нурсахат Пазиевни 4:3 ҳисобида мағлубиятга учратган ҳамюртимиз терма жамоамиз ҳисобига олтин медаль келтирди.

Олимпия ўйинларининг яна бир йўлланмаси 64 килограмм вазн тоифасидаги беллашувларда рингга чиққан боксчимиз Ўктам Раҳмоновга насиб этди. Ўсмирлар ўртасидаги жаҳон чемпионати ва Осиё ўйинлари каби йирик спорт анжуманларида совриндор бўлган Ў.Раҳмонов хитойлик Кин Ху ҳамда япониялик Масатсугу Кавачи устидан қозонган галабаси эвазига олимпия йўлланмаси билан бирга бронза медалга ҳам сазовор бўлди.

Осиё олимпия саралаш мусобақасидаги иштирокини ярим финалда тўхтатган боксчиларимиздан Шаҳобиддин Зоиров ва Иззатулла Эргашев ҳам терма жамоамиз ҳисобига биттадан бронза медал қўшди.

Шундай қилиб, Лондон Олимпиадасида олти нафар боксчимиз қатнашадиган бўлди. Шароф Худойбердиев бош мураббийлик қиладиган терма жамоамизнинг яна тўрт нафар аъзоси — Элшод Расулов, Орзубек Шоммов, Фазлиддин Гоибназаров ва Жасур Латипов 2011 йилнинг 26 сентябрь — 8 октябрь кунлари Озарбойжон пойтахти Боку шаҳрида ўтказилган жаҳон чемпионатида олимпия йўлланмасини олган эди.

**Зоҳир ТОШҲУЖАЕВ, ЎЗА шарҳловчиси**



Абдуғани Жумаев олган сурат

**Спорт янгиликлари**

**ЖАМОАСИДА ЕТАКЧИ**

Шуниси қувонарлики, ҳамюртимиз «Нефтчи»нинг етакчи ўйинчисига айланиб улгурган. Чунки шу кунгача Озарбойжон чемпионатида рақиблар дарвозасига 15 та гол киритган Баҳодир Насимов тўпурақлар рўйхатини бошқармоқда. Чемпионатнинг 27-турида ҳам Баҳодир гол киритди. «Нефтчи» ва «Боку» жамоалари ўртасида уюштирилган баҳс шиддатли курашларга бой, муросасиз кечди ва «Нефтчи» 2:1 ҳисобидаги му-

**Футбол бўйича Озарбойжон миллий чемпионатида амалдаги чемпион Боқунинг «Нефтчи» клуби шарафини Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси, моҳир ҳужумчи Баҳодир Насимов ҳимоя қилишдан муҳлисларнинг хабари бор албатта.**

ҳим галабага эришди. Ушбу учрашувдаги ҳал қилувчи голни «Боку» дарвозасига Баҳодир Насимов йўллади. Чемпионат ақунланишига бешта тур

колди. Турнир жадвалида карвонбошлик қиладиган «Нефтчи» энг яқин таъкибчиси «Боку» жамоасидан олти очкога илгариллаб кетди.

**РЕЙТИНГ НАТИЖАЛАРИ**

**Халқаро футбол уюшмаси (ФИФА) томонидан март ойи учун дунё мамлакатлари терма жамоаларининг янги рейтинг жадвали эълон қилинди.**

Унга кўра 67-поғонага лойиқ кўрилган Ўзбекистон миллий терма жамоаси икки поғона пастлади ва 69-ўринни эгаллади. Аввалги рейтингда миллий терма жамоамиздан икки поғона пастда кўрсатилган Хитой терма жамоаси эса 66-ўринда қайд этилди. Ироқликлар 70-поғонани эгаллашган.

Терма жамоамиз Осиёда олтинчи ўринда бормоқда. Қитъамизнинг энг кучли терма жамоала-

ри Австралия, Япония ва Жанубий Корея ҳисобланмоқда.

Умумий рўйхатни ҳамон Испания терма жамоаси бошқараётган бўлса, фахрли иккинчи, учинчи ўринлар Германия ҳамда Уругвай терма жамоаларига насиб этди. Аввалги рўйхатда иккинчи поғонада кўрсатилган Голландия терма жамоаси тўртинчи ўринга тушиб кетди.

**Акбар ЙЎЛДОШЕВ**

**Кўргазмалар**

**АСАРЛАРДА ВОҚЕЛИКЛАР ЯҲЛИТЛИГИ**



**Тошкент Фотосуратлар уйида истеъдодли фотосуратчи Евгений Олевскийнинг «Тушларингга кирсин қушлар парвози» деб номланган фотокўргазмаси очилди.**

Евгений Олевский Шимолий Осетиянинг Владикавказ шаҳрида туғилган. 1959 йилдан буён Ўзбекистонда яшайди. Болалик чоғлари Тошкент вилоятининг Олмалик шаҳрида ўтган. Тошкентдаги 110-мактабнинг математика йўналишидаги синфини битирган. Икки олий маълумотга эга: муҳандис-электрик ва иқтисодчи. Ҳозирги пайтда компьютер ва смартфонлар учун дастурий таъминот ишлаб чиқарувчи компания директори.

Шеърлар ёзади. Кўлгина шеърлари Олмаликдаги ёшлик

чоғларига бағишланган. Инглиз ва америка шеърятининг таржимони ҳамдир. Унинг асарлари мамлакатимизда ва чет эл давлатларидаги музейлардан жой олган.

Суратларидан бири Ўзбек фотосуратчи антологиясига киритилган.

Мазкур кўргазмада рассомнинг 60 га яқин портретлари, шу билан бирга 2011 йили Исроил сафарига туширилган манзаралари намойиш этилмоқда.

Рассом бир вақтнинг ўзида жуда нозик ва шу билан бирга

таъсирчан асарлар яратади. Евгений Олевскийнинг манзаралари миллий тушунчадаги манзара бўлиб қолмай, балки бу аниқ концептуал фотосуратлардир ва уларда чуқур фалсафий фикр ва воқеалар яхлитлиги мавжуд. Ҳар бир асар учун ажойиб сирли ҳиссиёт берувчи ранглар танланган. Оққора суратларда бу жуда кўзга ташланади.

Ёшлик сериясидаги портретларда болаликнинг ажойиб олами акс эттирилган. Қишлоқ болаларининг бахтли чехралари, уларнинг ўйинлари, қишлоқ одамларининг портретлари, шаҳар ҳаётига оид ҳақалар, булар ҳаммаси ҳеч кимни бефарқ қолдирмайди. Уларда ғаройиб тарзда мангулик ва бугунги кун ҳаёти таъсирланган.

Кўргазма 20 апрелгача давом этади.

**Шоҳсанам БЕРДИБЕКОВА**  
**СУРАТДА: кўргазмадан**

**Алексей Попов олган сурат**

Куйида айрим кўчатларнинг шифобахш хусусиятлари ҳақида сўз юритамиз.

Петрушка ҳар қандай тупроқли ерда ҳам ўсаверади. У мева ва сабзавотлар орасида минерал моддаларга бойлиги билан ажралиб туради. Петрушканинг барглари таркибида калий, кальций, темир, мағний, томирларидан эса, фосфор, марганец, молибден, литий мавжуд. Шунинг учун пархезунос шифокорлар уни сабздан кейинги ўринга қўядилар. Бундан ташқари унинг баргларида С витамини, эфир мойлари, томирларидан эса В1, В2, РР витаминлари мавжуд.

Халқ табибатида петрушкани жуда унумли фойдаланишди. Петрушканинг ҳамма қисмлари (томири, уруғи, барги) шифобахшдир. Ошқозоннинг иш фаолиятини яхшилайди, сийдик йўлларидаги кум ва тошларни эритади, организмдаги тузларни ҳайдайди.

Пешоб-тош касалликларидан кунига уч маҳал бир ярим пёбладан петрушка илдизидан дамлама тайёрлаб ичилади. Гастритда кунига уч маҳал икки ош қошиқ янги сиқилган петрушка сувини ичиш фойдали. Простатитда петрушка илдизидан сиқиб олинган сув икки чой қошиқдан йигирма кун давомида уч маҳалдан ичилади. Сўнгра ўн кун дам бериб яна қайтарилди. Петрушка салат, шурва каби турли хил таомларга қўшилади. У тухумли, сабзавотли таомларга хушбўйлиги учун картошка, пишлоқ билан бирга солинади. Петрушка ил-

**Табиат инъоми**

**ШИФОБАХШ КЎКАТ ВА САБЗАВОТЛАР**

**Бутун йил мобайнида дастурхонимиздан турли хил кўчатлар ва сабзавотлар узилмайди. Чунки улар бизнинг вужудимизга фойдали ва зарурий бўлган дармондорилар, микроэлементлар ва қувватбахш заҳиралар манбаи ҳисобланади. Айниқса ҳозирги баҳорий уйғониш ва «илик узилди» даврида кўчатлардек неъматларнинг танамизга асқотиши, шубҳасиз.**

дизини сувда пиширилган балиқ димланган гўшта қўшиш мумкин. Халқ табибатида петрушка уруғларидан сийдик ҳайдайдиган ва терлатадиган восита таркибиде фойдаланилади, улар, простата беши ва қовуқ яллиланган пайтларда буюрилади.

Дастурхонимизда редисканинг пайдо бўлиши баҳор фаслининг кириб келганидан дарак беради. Редисканинг шифобахш хусусиятлари ҳаммага маълум. У дармондориларга, айниқса аскорбин кислотасига, минерал тузларга бойдир. У вужудимизда овқат ҳазм бўлишини яхшилайди, сафро ва пешоб ҳайдовчи восита сифатида таъсир қилади. Унинг таркибидеги хантал мойи эса

ичакдаги микробларни ўлдириб, йирингли фасодларни бартараф қилади.

Салат барги ўсимлиги таркибиде шифобахш моддалар, дармондорилар, микроэлементлар ва органик кислоталар мавжуд. Масалан, салат шарбати овқат ҳазм қилиши ва танада моддалар алмашинувини яхшилайди, асаб тизимини тиңчлатирилади ва уйқуну муътадиллаштирилади. Салатнинг янги олинган шарбатидан халқ табибатида сурункали гастритга қарши курашувчи восита сифатида фойдаланилган. Салат ичак деворларини мустаҳкамлайди, қон таркибидеги қанд моддасини камайирилади ҳамда танадан холестериннинг чи-

қиб кетишига сабаб бўлади. Қадимда юнонлар салат шарбатини бўғин шишларига қарши қўллашган. Уруғидан тайёрланган дамламалар эмзикли оналарга сут миқдорини ошириш мақсадида тавсия қилинган.

Дастурхонимиздаги ҳаммабон сабзавотлар қаторида бодринг ҳам зарурий неъматлардан ҳисобланади. Сабзавотлар ичида энг «сервус» бўлишига қарамай, унинг таркибиде кўпгина фойдали моддалар (крахмал, шакар, оқсил, клетчатка, органик кислоталар, эфир мойи, А,В,С, РР, Е, Н дармондорилари ва калий, кальций, натрий, мағний, темир, фосфор, йод, олтингургут, қалай, мис, фтор, хром, алюминий) ҳам мавжуд. Муҳими шундаки, бодринг таркибидеги йод бизнинг организмимизга жуда осон сингади. Шунингдек, бодринг овқат ҳазм қилиш безларининг фаолиятини ва сўлак ажралишини меъёрлаштириб, оқсил моддасининг янада яхшироқ ўзлаштирилишини таъминлайди.

Саломат бўлай десангиз мева ва сабзавотларни кўпроқ тановул қилиб тулинг, азизлар.

**Очил ҲАЗРАТОВ тайёрлади**



**МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ**  
**ШАРҚ ҲИКОЯТ ВА РИВОЯТЛАРИ**

Аламини ишидан олган ютади.

Диёнатли дўст — қиёматли дўст.

Ақлинг кам бўлса, нақл ўрган.

Бир кам бўлмаса, дунёнинг қизиги йўқ.

Ўзингга ишонсанг, қасамга ҳожат йўқ.

Исрофгар бой бўлмас.

Меҳнат қилган қуруқ қолмайди.

Истеъдодли киши хор бўлса, бунга қайсидир даражада ўзи ҳам сабаб бўлади.

Ўзини билмаган ҳамisha хор.

Ҳаёт ҳақиқатларини тан олмаган ютқицади.

Инсоннинг табиати турли сабаблар билан намён бўлиб бораверади.

Инсоннинг феъл-атвори унинг тақдирини белгилайди.

Истеъдод бир чеккада ўз ишини қилиб юраверади.

Кўнгил ва ақл мувофиқ келмаган жойда мувозанат бузилади.

Янгисига қодир бўлмаган эскиси билан мақтанади.

Шукр ва қаноат олий даражадаги хотиржамликдир.

Кўли қисқалик — бахиллик эмас.

Ҳаётга эътиمود кўйма, Давлатга эътиқод.

Ҳурмат доирасини ҳар ким ўзи учун ўзи яратади.

Ўзи бермаса, минг югурганинг бекор.

Юришмаган иш кишини бездиради.

Ҳаёлга келмай ҳақиқатга айланмайди.

Киши қанча нодон бўлса, шунча худбин ва қайсар бўлади.

Эҳтиёткорлик кўрқоқлик эмас.

Баъзилар осон кўчадиган ишни ҳам ўзлари қийинлаштириб юридилар.

Ғояни ўртага ташлаш осон — уни амалга ошириш қийин.

(Давоми бор)  
**Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлаган**

**Ўзидромет**  
ХАБАР ҚИЛАДИ

ража иссиқ бўлади. Ўзидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, 17 апрелда Тошкент шаҳри об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бироз тарқалиб кетишига имконият яратади. Атмосферанинг ифлосланиш даражаси 1-3 фаз пасайиши тахмин қилинмоқда, таъмиқдори паст бўлади.

Тошкент шаҳрида 17 апрель кунги ҳаво ўзгаришлари, ёғингарчилик бўлмайдиган. Ғарбдан секундида 3-8 метр тезликда шамал эсади. Ҳарорат кечаси — 12-14 даража илқ, кундузи — 29-31 да-

**ТОШКЕНТ ОҚШОМИ**

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кучаси, 32

**ТЕЛЕФОНЛАР:**  
Эълонлар: 233-28-95, 236-57-65 факс: (371) 232-11-39

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтаамти»га — 233-74-06 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин. Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ



Бизнинг электрон манзил: vto2007@mail.uz

Буюртма Г- 441

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади  
Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади.  
9701 нусхада босилди.  
Қоғоз бичими А-2

Нашр учун масъул Д. Исроилов

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ

Тошпириш вақти: 13.00 Босишга тошпиригди: 18.50